
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ТУРК МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ РАИСИ ТАХИР КАПАДЗЕ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

“Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилинди.

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, шунингдек, турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мукофотланган бир гуруҳ ҳамюртларимиз қаторида Фарғона вилояти турк миллий маданий маркази раиси Тахир Кападзе "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-07-29 10:54:39